



АҲОЛИНИНГ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ



2021 йил 1 ноябрдан:



+50%



“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари

марказлари ва (ёки) ЯИДХП орқали давлат хизматларини қўрсатишда **давлат божлари, йиғимлар ва бошқа ҳар қандай тўловлар бўйича 50 фоиз миқдорида чегирма қўлланилади**



+50%



Давлат хизматлари марказлари, “Лицензия” ахборот тизими ҳамда ЯИДХП орқали қўрсатилаётган давлат хизматлари белгиланган муддатидан **3 иш кунидан ортиқ** вақтга кечиктирилганда, ариза берувчиларнинг мурожаатларига асосан, хизматдан фойдаланиш учун тўланган тўловларнинг **50 фоизи** уларга

1 иш кунида қайтарилади

2021 йил 1 декабрдан:



чет элда доимий яшовчи Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, хорижий жисмоний ва юридик шахслар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга **электрон рақами имзо** калити сертификатларини Ўзбекистон **дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари** томонидан бериш орқали **электрон давлат хизматларидан фойдаланиш имкони** яратилади



Ўзбекистонда доимий яшамайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга **жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами соддалаштирилган тартибда** туман (шаҳар) миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларида ҳамда давлат хизматлари марказларида амалга оширилади



лицензия, руҳсатнома, сертификат ва бошқа руҳсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг дубликатини бериш учун миллий валютада белгиланган тўловлар БХМнинг **10 фоизигача миқдорда** белгиланади (қонунчилик ҳужжатларида тўловлар белгиланмаган ёки базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизидан кам миқдорда белгиланган ҳоллар бундан мустасно).